# ҲАМЖИҲАТЛИК ЙЎЛЛАРИНИ ҚИДИРАЙЛИК

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

алюминий заводининг бош технологи Л. А. Симонян, Еревандаги «Электриприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-асбобсозлар бригадасининг бошлиғи Э. Т. Арутюнян, «Лениннефть» нефть-газ қазиш бошқармасининг пармаловчиси С. Б. Музаффаров, Тоғли Қорабоғ автоном областидаги Мардакерт райони XXII партия съезди номли узумчилик совхозининг директори С. В. Мамунц, Кировободдаги алюминий заводи аппаратчилар бригадасининг бошлиғи А. Я. Маилов, «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев, Тоғли Қорабоғ автоном области халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси С. А. Бабаян, Бокудаги Володарский номли тикувчилик фабрикасининг чевари Л. В. Барушева, Еревандаги темир йўл ҳузуридаги почтамт оператори Г. А. Авакян, Озарбайжон касаба союзлари республика Советининг раиси Л. Х. Расулова, Арманистон ССР Фанлар академиясининг президенти В. А. Амбарцумян, шахсий пенсионер К. А. Халилов, Ереван давлат университетининг ректори С. А. Амбарцумян, Озарбайжон ССР Халқ контроли комитетининг раиси Ш. М. Алиев, СССР халқ артисти Р. М. Бебутов, Арманистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. К. Арутюнян, шахсий пенсионер З. М. Юсуфзода, «Ерпромстрой» тресги 31-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи Г. С. Маркарян, Ереван шаҳридаги мактаб директори К. Г. Мартиросян иштирок этдилар.

Учрашув якунида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Учрашув қатнашчилари СССР Олий Совети бир группа депутатларининг Тоғли Қорабоғ автоном области ва унинг атрофидаги аҳвол тўғрисидаги сўровини диққат-эътибор ва катта ғамхўрлик туйғуси билан кўриб чиққанлигини мамнуният билан қайд этдилар. Улар мамлакат олий давлат органининг вужудга келган вазиятда донолик ва вазминлик билан иш тутиш тўғрисидаги даъватини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар, мазкур олий органнинг баҳолари ва вазиятни нормаллаштириш хусусидаги тавсияларига батамом қўшилдилар.

Ушбу масалани муҳокама қилишда иштирок этган нотиқлар Тоғли Қорабоғ теварагида кўп ойлардан бери давом этаётган кризис сўнгги вақтда ниҳоятда кескинлашиб кетганлигини, иккала республика ниҳоятда хавфли чегарага келиб қолганлигини ташвиш билан гапирдилар. Бир қанча ҳолларда ҳодисалар назоратдан чиқиб кетди, одамлар нобуд бўлди, аёллар, кексалар, болалар жабр кўрди. Агар ҳозир эс-ҳуш йиғиб олинмаса, мухолифлик психологиясидан воз кечилмаса, эртага фожиа беқиёс кучайиб кетиши, совет ҳокимияти йилларида эришилган зафарларнинг кўпидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи пайдо бўлади. Вазият ҳар бир арман ва ҳар бир озарбайжондан иккала халқ тақдири учун, ўз яқин кишиларининг келажаги учун улкан масъулиятни ҳис этишни талаб қилмоқда.

Ана шундай экстремал вазиятда ҳам Озарбайжон, ҳам Арманистон раҳбарияти ҳуқуқий гарантияларни амалга оширишга, Озарбайжондаги арман аҳолисининг ва Арманистондаги озарбайжон аҳолисининг хавфсизлигини таъминлашга муваффақ бўлмади. Миллатлараро муносабатларни соғломлаштиришга қаратилган амалий тадбирлар ўрнига кўпинча қардошлик ва яхши қўшничилик тўғрисидаги қуруқ даъватлар янграмоқда. Халқни тартибсизликларга гиж-гижлаётган, ҳар хил овозалар тарқатаётган, миллатлараро нифоқни авж олдираётган кимсаларга қарши муросасиз кураш ўрнига, ҳатто иккала республика раҳбарияти даражасида ҳам содир бўлган вазият учун ким кўпроқ айбдорлигини аниқлашга зўр бериб уринишмоқда. Вазиятни нормаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бирортаси хусусида ҳам, аслида республикалар биргалашиб қилинадиган ҳаракатлар хусусида ҳам сира келиша олмаяптилар. Муросага келиш, ўзаро ён босиш истаги йўқ, бир-бирига нисбатан қаттиқ позицияда туриш бор, холос.

Кўпинча ғаламислик даъватларига йўл қўяётган, кескинликни кучайтираётган, қайта қуришга қарши бўлган кучлар йўриғига юраётган маҳаллий матбуот эҳтиросларни авж олдирмоқда. Умуман, партия ташкилотлари, республикаларнинг активлари ишида тор доирадаги кишиларнинг шуҳратпарастлигига эмас, балки реалликларга, меҳнаткашларнинг асл манфаатларига таянадиган аниқ-равшан сиёсий йўл йўқ.

Учрашув қатнашчилари ҳозир ҳам кескинлик боиси бўлиб келаётган Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш йўлларини муҳокама қилиб, ҳозирги шароитда чегараларни қайтадан тузишга йўл қўйиб бўлмайди, одамларнинг тақдири билан ўйнашиб бўлмайди, деб таъкидладилар. Шу билан бир қаторда, Тоғли Қорабоғ автоном областига нисбатан миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан кўп марталаб чекинишга йўл қўйган Озарбайжоннинг собиқ раҳбарияти позициясини оқлаб бўлмайди. Содир бўлган аҳволни қатъият билан тузатиш, одамларнинг ҳаёти нормал изга тушиши учун барча ишларни қилиш керак.

Учрашувда содир бўлган вазият батафсил таҳлил қилинди. Ҳодисалар Тоғли Қорабоғ автоном области, Арманистон ва Озарбайжон партия, совет органларининг назоратидан у ёки бу даражада четда қолганлиги таъкидланди. Бу шунчаки гангиб қолишнинг эмас, принципсизликнинг оқибатидир. «Ишончдан маҳрум бўлиб қолишдан» қўрқиш, баъзида эса миллатчилик кайфиятларини маъқуллаш шунга олиб келдики, партия активларининг бир қисми интернационал позициядан четга чиқди.

Аммо содир бўлаётган воқеалар фақат Тоғли Қорабоғ муаммосигагина келиб тақалмайди. Бу воқеалар умуман, Арманистон ва Озарбайжондаги сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётдаги жиддий камчиликларни, социалистик қонунчилик бузилганлигини, кадрлар сиёсатидаги нуқсонларни, иккала республика собиқ раҳбариятининг катта хатоларини аниқ-равшан кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети аҳволни тузатиш учун барча ишларни қилмоқдалар. Иккала республиканинг раҳбарияти мустаҳкамланди. Тоғли Қорабоғ автоном области ва умуман регион бўйича маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларни амалга ошириш учун сабр-бардош ва осойишталик, тўла ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам, барча партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг кунт билан ишлаши талаб этилади.

Аммо бундай ёндашув мақбул бўлмаётган кишилар ҳам бор. Шу нарса тобора равшан бўлиб бормоқдаки, баъзи кимсалар учун Тоғли Қорабоғ муаммоси давлатга қарши жинояткорона фаолият учун қулай ниқоб бўлиб қолди. Бундай одамлар орасида суиистеъмолликлар ва кўплаб пора олишда айбланаётган қурилиш материаллари комбинатининг директори Манучаровга ўхшаган шахслар бор. Худди ана шундай қаллоблар учун Тоғли Қорабоғ муаммоси товламачилик учун қулай рўкачдир. Қорабоғ муаммосини адолатли ҳал этиш талаблари ниқоби остида ҳокимият учун очиқдан-очиқ кураш бормоқда. Ана шундай унсурлар, демократия механизмидан фойдаланиб, устун келишга уринмоқдалар. Жамиятимиздаги янгиланиш жараёни сира мақбул бўлмаётган, иккала республикадаги қайта қуришга қарши бўлган кучлар, порахўр унсурлар вазиятни беқарорлаштириш учун ҳамма ишларни қилиб, кишиларнинг миллий ҳис-туйғулари билан ўйнашишдан ҳам, реал қийинчиликлар хусусидаги товламачиликдан ҳам ор қилмаяптилар. Уларнинг мақсади битта — қайта қуришни тўхтатиш, уни амалга оширишга халал беришдир. Худди ана шуларнинг қилмиши туфайли минг-минглаб одамлар забастовка, митинг ва намойишларга жалб этилди. Ҳозир ўз уй-жойини ташлаб чиқиб кетаётган кўплаб оилаларнинг фожиасига, одамларнинг ўлимига ана шу кимсалар сабаб бўлдилар. Меҳнаткашлар ана шу телбаларни тўхтатиб қўйишни, уларни жавобгарликка тортишни қатъий талаб қилмоқдалар.

Партия ташкилотлари фаолиятидаги жиддий нуқсонлардан бири зиёлилар билан, айниқса, адиблар, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ишлашга менсимай қараш бўлди. Бу эса ана шу зиёлиларнинг сиёсий ва гражданлик позицияларида акс этди. Зиёлиларнинг ижтимоий фикр таркиб топишига таъсири жуда катта, аммо ана шундай таъсир кўпинча, сиёсий жиҳатдан ғўр одамлар томонидан ўтказилаётган бўлса, офат келтиради.

Масалани чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилиш, фикр-мулоҳазаларни кенг кўламда ҳисобга олиш натижасида учрашув қатнашчилари, агар ҳозир аҳвол тақозо этаётган, энг асосийси эса иккала халқнинг ҳаётий, туб, узоқ муддатга мўлжалланган манфаатлари ва бутун мамлакат манфаатлари тақозо этаётган зарур тадбирлар кўрилмаса, яна ҳам оғирроқ аҳволга тушиб қолиш мумкин, деган хулосага келдилар. Башарти зарур бўлган барча ишлар қилинмаса, халқ ишончига сазовор бўлиб турган барча кишилар — коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам иснодга қоладилар. «Ғолиблар» ҳам, «мағлублар» ҳам бўлмаслиги, бирор бир томоннинг кўнгли ўксимаслиги керак, масалани ҳал этишнинг принципи ана шундай бўлиши, у биргаликда ҳал этилиши зарур. Озарбайжон ва Арман халқлари ёнма-ён, қўшни бўлиб яшайдилар ва бундан буён ҳам биргаликда яшашлари керак. Барча муаммоларни ҳал этиш калити — иккала республика қўлидадир.

Учрашувнинг барча қатнашчилари — Марказий Комитет аъзолари, депутатлар қиладиган биринчи иш СССР Олий Советининг Тоғли Қорабоғ автоном областидаги аҳвол тўғрисидаги мурожаатномасининг мазмуни ва руҳини Арманистон ва Озарбайжондаги ҳар бир кишига, барча меҳнаткашларга етказишдан иборат.

Республикалардаги, Тоғли Қорабоғ автоном области теварагидаги муҳитни ўзгартириш, бу муҳитни соғломлаштириш учун, у ўтган ойлар мобайнида тўпланиб қолган, муносабатларни булғаган, одамларнинг ҳаётини бузган асоратлардан тозаланиши учун зўр бериб ҳаракат қилиш керак.

Шу муносабат билан асосий масалаларда, яъни ҳозир нима қилиш керак, нимага суяниш керак, деган масалаларда барча кадрларимизнинг мустаҳкам позицияси зарур. Кадрларнинг позицияси ўзгармас экан, муҳит ҳам ўзгармайди, чунки меҳнат коллективларидаги аҳволга одамларнинг кайфиятига охир оқибатда кадрлар таъсир ўтказадилар. Республикаларнинг Марказий Комитетлари, Олий Советларнинг Президиумлари, ҳукуматлар, барча раҳбарлар, илм-фан, маданиятнинг таниқли арбоблари халқлар манфаатлари тақозо этаётган масъулиятли гражданлик позициясини эгаллашлари айниқса муҳимдир.

Озарбайжонлар ҳам, арманлар ҳам барча баҳсларни биргаликда, бамаслаҳат ҳал этишлари, ишончсизлик ва душманлик асоратларини ўртадан олиб ташлашлари керак. Бугунги асосий вазифа — меҳнаткашларни интернационализм, революцион қайта қуриш позицияларида туриб бирлаштириш ва жипслаштиришдан иборатдир. Барча ўзаро гина-кудуратларни унутиб, одамларни яраштириш, воқеаларнинг ривожланишини тўхтатиш учун барча ишларни қилиш даркор.

Ҳамма жойда меҳнатдаги иш маромини тиклаш керак. У соғлом турмушнинг асосий негизидир. Яхшилик сари бурилиш бўлиши учун ишга киришиш, қадам-бақадам йўқотилган барча нарсаларни тиклаш лозим бўлади. Буни меҳнаткашлар, уларнинг оилалари, ишчи коллективлар кутиб туришибди, чунки оила осойишта яшаши, болалар ўсиб-униши, ўқиб-улғайиши учун меҳнат қилиш ҳар бир одамнинг эзгу муддаосидир.

Барча чора-тадбирларни қўллаб, одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Бунга меҳнат коллективлари, маъмурий органлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишлари керак. Ўзи доимо яшаб турган жойлардан чиқиб кетишга мажбур бўлган аҳоли муаммоси билан дарҳол шуғулланиш лозим. Барча маҳаллий органлар бу кишиларга ёрдам беришлари — едириб-ичириб, жойлаштиришлари, болаларга ғамхўрлик қилишлари зарур. Улар ўз она юртларига қайтишлари учун иложи бўлган барча ишларни қилиш лозим. Одамлар бошига тушган кулфатдан эҳтиросларни авж олдириш ва товламачилик билан жамоатчилик фикрини қўзғаш учун важ-карсон сифатида фойдаланишга уринишларнинг пайи қатъий қирқилиши лозим. Иккала республикада ҳам ана шу одамлар олдидаги айб ҳис этилиши керак.

СССР Министрлар Совети жабр кўрган оилаларга ёрдам бериш, уларни озиқ-овқат, уй-жой, медицина хизмати ҳамда социал-маиший хизматнинг бошқа турлари билан таъминлаш, шунингдек, ишга жойлаштириш учун ҳукумат комиссияси тузди.

Халқни тартибсизликларга гиж-гижлаётган, миш-мишлар тарқатаётган, миллатлараро душманликни авж олдираётган кимсаларга қарши муросасиз кураш олиб бориш муҳим вазифадир. Одамларнинг қайси миллатга мансублигига қараб ишдан бўшатилишидек кишини ғазаблантирадиган фактларга қарши ниҳоятда қатъият билан, бу хусусда ҳатто айбдор бўлган шахсларни партия сафидан ўчириш ва жиноий жавобгарликка тортишгача, қатъият билан қарши курашиш керак. Бундай ҳодисаларни таг-томири билан йўқотишда қонунлар кучидан, жамоатчилик фикрининг обрўсидан тўла фойдаланишимиз зарур. Қайта қуришни, совет кишиларининг ҳаёти ва қадр-қимматини, жамоатчилик тартибини ҳимоя қилиш керак.

Матбуот олдига катта талаблар қўйилди. Матбуот ҳозир вазиятни яна ҳам кўпроқ беқарорлаштирадиган позицияда тура олмайди. Аксинча, матбуот ҳодисаларни тўхтатишга ёрдам бериш ва бу ҳодисаларни нормаллаштириш, яраш ва дўстлик изига тушириш учун барча ишларни қилиши керак.

Тоғли Қорабоғ муаммосининг мураккаб тусда эканлигини ҳисобга олиб, бу масала хусусида позицияларни яқинлаштиришнинг муросали йўлларини кунт ва чидам билан қидириш керак. Озарбайжон ССР, Арманистон ССР вакиллари, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзоларидан иборат составда комиссия тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 18 июлдаги қарорида таъкидланганидек, комиссиянинг вазифаси Тоғли Қорабоғ автоном областининг территория жиҳатидан Озарбайжон ССРга киришини ўзгартирмаган ҳолда, қисқа муддат ичида муаммоларни энг мақбул чинакам интернационал ҳал этишдан иборатдир. Ишлаб чиқилган таклифлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Учрашув қатнашчилари бошланғич партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида интернационал тарбияни тубдан яхшилаш зарурлиги ҳақида келишиб олдилар. Бундай тарбия расмий, шиорлар билан ташвиқот қилиш йўли билан эмас, балки ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш билан кунт ила ишлаш методи орқали олиб борилиши керак.

Биз яшаётган масъулиятли давр масъулият билан ҳаракат қилишни талаб этади, деб таъкидлашди нотиқлар. Ҳар бир сўз конкрет амалий иш билан тасдиқланиши керак. Одамлар ҳақида, уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талаблари ҳақида ғамхўрлик қилиш, умумий хонадонимизда тартиб ўрнатиш — ана шу ишларнинг энг асосийсидир.

(ТАСС).

---

*• Шиоримиз — интернационализм*

# КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ МИЛЛАТЛАРНИНГ БИРЛИГИДАДИР

**КПСС Марказий Комитетининг келгуси йили бўладиган Пленумида СССРдаги миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади. Ушбу анжуманга тайёргарлик кўриш — барча партия комитетлари ва ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг энг муҳим ишидир. Тошкент область партия комитетида пойтахт области ижодкор зиёлилари вакиллари билан дастлабки учрашувлар бўлди. ЎзТАГ мухбири Тошкент область партия комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори Э. И. Фозилов билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

**— Эргаш Исмоилович, мамлакатдаги миллатлараро муносабатлар замонамизнинг энг ўткир муаммоларидан биридир. Болтиқбўйи республикалари, Тоғли Қорабоғ, мамлакатнинг бошқа регионларида ана шу заминда содир бўлаётган можароли вазиятлар ташвиш туғдирмоқда. Тошкентда ўзини «Халқ фронти», «Бирлик» деб атаётган норасмий группалар тузишга уринишлар бўлмоқда. Мазкур группалар қандай талабларни ўртага қўйишмоқда?**

— Ижодкор зиёлиларнинг айрим вакиллари тилга олаётган кўп масалалар бутун мамлакат учун муштаракдир. Масалан, бу қўштиллик муаммосидир. Бу муаммо мутахассисларнинггина эмас, балки жамоатчилик кенг қатламлари эътиборини ҳам тортмоқда. Норасмий группаларнинг барча программаларида тил борасидаги тўсиқларни миллатлараро муомала тили бўлган рус тилини ҳам, республика туб аҳолисининг тилини ҳам ўрганиб бартараф этиш тўғрисидаги фикр аниқ-равшан баён этилган.

Республикада яшаётган барча кишиларнинг маҳаллий аҳоли тилини ўрганишлари алоқаларни мустаҳкамлашга, маданият қадриятларидан баҳраманд бўлишга ёрдам беради, деган мулоҳаза билдирилмоқда. Бу мақбул мулоҳаза, албатта. Аммо бундай нозик масалаларга «ҳукм ўтказиш» нуқтаи назаридан ёндашмаслик керак. Бир кун ичида барча ўзбек тилини ўрганиб олиши керак, деган талабни қўйиб бўлмайди, рус тили хусусида ҳам худди ана шу гапни айтиш керак, бу нореал бўлур эди. Ўзбекистонда неча ўн йилликлар мобайнида таркиб топган вазиятни назардан соқит қила олмаймиз. Биринчидан, ўқув маркази йўқ. Оғзаки нутқни ўрганиш учун қўлланмалар ҳали кам нашр этилмоқда.

Яхши луғатлар ва дарсликлар йўқ. Сўнгги 30 йил мобайнида рус тилида сўзлашадиган аҳоли ўртасида ўзбек тилини ўқитиш билан жуда кам одам шуғулланди. Ўзбек филологиясини ўрганаётган олий мактаблар ва илмий марказлар шу соҳага оид йирик асарларни нашр этишгани йўқ. Тилни актив эгаллаш учун 5 мингга яқин жуда кўп ишлатиладиган сўзни билиш керак. Роман-герман ва славян тиллари бўйича ана шундай система ишлаб чиқилган, афсуски, ўзбек тили ҳақида бундай дея олмаймиз. Пухта ишлаб чиқилган «Ўзбек тили» программаси йўқ.

Республикамизда «Рус мактабларида ўзбек тили» мавзуидаги сўнгги илмий-амалий конференция бундан чорак аср муқаддам ўтказилган эди. Дарсликлар янгиланмади, башарти, янгиланган тақдирда ҳам бунга расмиятчилик билан ёндашилди. Ҳозирги тарзда олиб борилаётган ўзбек тилини ўқитиш замон талабларига жавоб бермайди. Мен кўп вақт Берлин университетида профессор бўлиб ишлаганман ва ғарбда тил ўрганишнинг жадал курслари қандай ишлашини биламан. Бу курслар 6 ойга ва бир йилга мўлжалланган. Биз ҳозирча ҳатто ана шу тажрибадан ҳам фойдаланаётганимиз йўқ. Агар ихтиёримизда яхши дарсликлар, ўқув телефильмлари бўлганида, эҳтимол, ҳозирги муаммоларнинг кўпчилиги ҳал қилинган бўлур эди. Ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш учун ҳам техника базаси дуруст эмас.

Биз қўштиллик муаммосини фармон йўли билан, ўзбек тилини мажбуран ўрганиш йўли билан ҳал эта олмаймиз. Бу рус тилида сўзлашаётган аҳолининг асосли эътирозига дуч келади. Энг мақбул йўл бор — бу мактабларда, олий ўқув юртларида миллий тилларни ўқитишни тубдан яхшилаш ва ҳар хил тўгараклар тармоғини ташкил этишдан иборатдир.

Туб миллат тилини ўрганишнинг ўзигина одамларнинг маданий ва миллий қадриятлардан баҳраманд бўлишини, уларни интернационализм руҳида тарбиялашни таъминлайди. Миллий, маънавий, ахлоқий ўзаро таъсир йўллари соф тил масалаларини ҳал этишдан анча кенгроқ бўлиши лозим.

**— Демак, миллий масала сиёсати шиор сиёсатидан реал сиёсатга айланиши керак, шундайми?**

— Мутлақо тўғри. Масалан, Ўзбекистон маданият арбоблари билан бир гал учрашганимизда СССР халқлари дўстлиги музейини қайта ташкил этиб, бу ерда мунтазам фольклор концертлари, миллий коллективларнинг концертлари ва театр премьераларини намойиш этишни, республикадаги турли миллат намояндаларининг адабий ва бошқа учрашувларини ўтказишни, тез-тез кўргазмалар уюштиришни таклиф этишди. Музей амалда «СССР халқлари дўстлиги саройи» бўлиши керак.

**— Миллий масалаларга бағишлаб ўтказилган учрашувлардан бирида область партия комитети ҳузурида миллатлараро муносабатлар билан шуғулланадиган жамоатчилик кенгаши тузиш ҳақида мунозара бўлган эди. Шу иш ҳозир қандай аҳволда?**

— Ҳозир биз маданият арбоблари билан кўпроқ ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Область партия комитети ҳузурида ижодий союзлар ҳамда театр-томоша ташкилотлари партия ташкилотлари секретарларининг кенгашини туздик. Бу ишда фаол қатнашганликлари учун ёзувчиларга раҳмат айтишимиз керак.

**— Миллатлараро муносабатлар тараққиётини олдиндан айтиб бериш мумкинми, бу борадаги фикрингиз қандай?**

— Болтиқбўйи республикаларидан фарқли равишда, Ўзбекистонда яшаётган кўпчилик халқларнинг вакиллари шу ерда туғилиб, шу ерда улғайишган, уларнинг кўпчилиги қалбан интернационалистлардир. Душманлик учун иқтисодий замин ҳам, социал замин ҳам йўқ, чунки, ҳеч ким бировнинг насибасини қирқаётгани йўқ. Бу ўринда ўзбек халқи, гўё, жабрланган, камситилган, деб ҳисоблаётган «зиёлилар даврасидаги» қизиққон одамлар ҳақ эмас. Норасмий группаларга мансуб ёшларнинг айрим қилмишлари республикада яшаётган барча миллатлар вакилларини ҳаққоний равишда ғазаблантирмоқда, шунинг учун ҳам халқ уларни қўллаб-қувватламаяпти. Миллатлар ўртасидаги тўла социал адолат — Ўзбекистонда тарихан топган реалликдир, бу ҳамиша бизнинг асосий бойлигимиз бўлиб келди. Ана шу ижодий потенциал ҳозир ҳам куч-қудратини кўрсатиб, бизни кўп муаммолар ва экстремал вазиятдан холи қилиб турибди.

Яқинда Пискент районида партия конференцияси бўлган эди. Биринчи секретарь лавозимига кўрсатилган 5 номзод орасида қозоқ, украин ва уч ўзбек бор эди. Гарчи районда ўзбеклар кўп бўлса ҳам, коммунистлар қозоқни биринчи секретарь, украинни иккинчи секретарь этиб сайладилар. Бу кишиларимиз интернационализмининг ёрқин намунасидир. Пойтахт областининг бошқа районларида ҳам сайлов худди ана шундай ўтди.

Ижодкор зиёлилар эски ўзбек графикасини ўрганиш лозимлигини айтган эдилар; Тўғри, ўрганиш керак. Мен Навоий ва бошқа ўрта аср ёзувчиларининг асарлари қўлёзмасини меҳр билан ўқийман, бу эса партия ходими сифатида менга жуда ёрдам беради. Маданий меросни билмаган киши кўп нарсадан бебаҳра қолади.

**— Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги ёшларнинг норасмий бирлашмаси аъзолари бир қанча муаммоларни ўртага қўймоқдалар. Обком шу масала хусусида бирон-бир тадбир кўряптими?**

— Ёзувчилар мени «Ўзбек миллий фронти»нинг программаси муҳокамасига таклиф этишган эди. Шуни айтишим керакки, ёшлар қайта қуришга ёрдам беришни истайдилар, қайта қуришнинг фаол иштирокчиси бўлиш ниятидалар ва уларнинг бу истаги мутлақо табиийдир. Биз бу истакни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз, уларга ёрдам берамиз. Аммо улар куч-ғайратларини нимага сарфлашни ҳали тузукроқ билишмайди. Программанинг айрим моддалари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида сўзланган нутқлардан, баъзилари эса Болтиқбўйи норасмий ташкилотларининг программаларидан олинибди, лекин регионларнинг ҳар хиллиги назардан четда қолибди.

**— Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла миллатлараро муносабатларга бағишланган учрашувлардан бирида республика тараққиётидаги барча ютуқ ва камчиликларга қарамасдан, интернационализм бизнинг бойлигимиздир, деб жуда маъқул гапни айтган эди. Ўзбекистон халқлари ўртасидаги муносабатлар миллий масала хусусида эҳтирослар жўш ураётган мамлакатнинг бошқа регионларидан фарқ қилади, деб ҳисоблайсизми?**

— Мен ана шу муносабатлар юмшоқроқ деган бўлур эдим. Республикамизда бошқача маданий ва психологик муҳит таркиб топганлиги, тарихий анъаналарнинг турли-туманлиги ўз таъсирини ўтказмоқда. Ғарбдагилар ҳозир Ўрта Осиёда миллий можаролар, тўқнашувлар бўлиши мумкин, деган тахминни айтмоқдалар. Мен эса миллий можаролар, тўқнашувлар бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблайман; ғарбдагилар вазиятни билмасдан ана шу мулоҳазаларни айтмоқдалар.

**— Республикадаги илмий кучлар миллий масала юзасидан сиёсий программа тузишга қўшилишганми? Ана шу муаммолар хусусида олимларнинг прогнозлари борми?**

— Биз мамлакатдаги йирик олимлар билан ҳамкорлик қилишни истар эдик. Афсуски, бизнинг олимларимиз кўпроқ кабинетда тўқиб чиқилган муаммолар билан, тарихни тадқиқ этиш, нореал режалар тузиш билан банд бўлиб қолишмоқда. Манбаларни билиш учун ўтмишни ўрганиш керак, албатта. Аммо бу тадқиқотларнинг ҳаммаси амалиётда қўлланилиши керак. Биз жамиятшунослардан миллатлараро муносабатлар, атеизм, интернационал тарбия юзасидан комплекс программалар ва мафкуравий жабҳа ходимлари учун конкрет тавсияномалар кутмоқдамиз. Уларнинг асарлари ашёвий далилга асосланиши, мутлақо ҳаққоний бўлиши керак. Бу борада хатолар дарҳол кўзга чалиниб қолади.

Масалан, Москвада «Қрим: бугунги кун ва ўтмиш» китоби нашр этилган эди. Ана шу китобни ўқиб чиқиб, жуда ранжидим. Кўп ноаниқликлар бор. Марказий матбуотда бу китобни ҳақли равишда танқид қилишди. Бизнинг мутахассисларимиз бундан анча қизиқроқ материаллар беришлари мумкин эди.

Олимларимиз корейслар ва қорақалпоқлар, уйғурлар ва турклар, бошқа миллатлар ҳақида ҳам китоблар ёзишлари керак. Ахир бизда Ўзбекистонга турклар қачон келгани тўғрисида кичик брошюра ҳам йўқ. Область партия комитети лекторлар учун кичик қўлланмалар тайёрлади. Лекин, аслида бу илмий зиёлилар қиладиган ишдир. Биз олимлар билан миллий муносабатлар хусусида яқин орада бўладиган учрашувда ана шу масалаларни муҳокама қилмоқчимиз.

**— Грузия Компартияси Марказий Комитети ҳузурида миллий масалаларни ўрганадиган социологик марказ ишламоқда. Ўзбекистонда ҳам ана шундай марказ бўладими?**

— Яқин орада Тошкент область партия комитети ҳузурида ҳам ана шундай марказ очилади. Биз мутахассис кадрларни қидиряпмиз.

Биз мамлакатнинг етакчи социологлари билан дуруст алоқадамиз. Ҳозир Свердловск, Москва шаҳарларидаги мутахассислар билан миллий масала хусусида биргаликда тадқиқотлар ўтказилмоқда. Район ва шаҳар партия конференцияларини ўтказиш чоғида область партия комитети жамоатчилик, партия активи фикр-мулоҳазаларини диққат билан ўрганди.

**— Ўзбекистон регионнинг юрагидир. Биз Ўрта Осиёдаги барча республикалар билан мустаҳкам алоқадамиз. Бу ижобий омилдир. Миллатлараро можаролар хавфи пайдо бўлиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?**

— Бундай можаролар чиқмайди, деб ўйлайман. Биз чегарадош районлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун бирмунча ишларни қилдик. Масалан, яқинда Ленинобод область партия комитети билан биргаликда халқ хўжалиги, илм-фан, маориф ва маданият соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бўка, Бекобод районлари ва Ленинобод областининг районлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бошқа республикалар, Иваново области меҳнаткашлари билан ҳам муносабатларимиз жуда яхши. Келажакда Ўзбекистон билан чегарадош республикалар аҳолиси учун истироҳат боғлари, спорт комплекслари бунёд этмоқчимиз. Булар турли миллатларга ва элатларга мансуб бўлган кишилар ўртасида яхши алоқалар ўрнатишга ёрдам берадиган ўзига хос «Дўстлик кўприклари» бўлади.

**— Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбек миллий маданияти, рассомлар ижоди, артистлар санъати рус тилида ва бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли ўртасида қандай тарғиб этилмоқда?**

— Область партия комитетининг ташаббуси билан санъатшунослик институтида Ўзбекистон халқлари маданиятини пропаганда қилиш маркази очилди. Тошкент областида ўқиш учун юздан ортиқ лекция тайёрланди. Лекторлар ва пропагандистларнинг область районларига энг яхши бадиий коллективлар билан биргаликда чиқиши кўзда тутилган. Бу интернационал алоқаларни мустаҳкамлаш борасида жуда муҳим қадам бўлади. Область партия комитети ҳузурида миллатлараро муносабатлар сектори ҳам тузилди, бу сектордан умидимиз катта. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузурида тилшунослик институти очилиши лозим деб ҳисоблайман, бу илмий даргоҳда ўзбек тили ва республикамизда яшаётган бошқа халқлар тилларини ўрганиш муаммолари чуқур тадқиқ этилган бўлур эди.

Ғарбдаги обрўли политолог (сиёсатшунос)лардан бири, тарихчи олим, Нобель мукофоти лауреати Арнольд Тойнби совет академиги Н. И. Конрадга қуйидагиларни ёзган эди: «Сизнинг мамлакатингиз жуда турли тилларда гаплашадиган ва ниҳоятда турли-туман маданий меросга эга бўлган ҳар хил халқлардан иборатки, у умуман жаҳоннинг моделидир; маданиятлардаги фарқлар, тиллардаги фарқларни федерал асосда социал ва сиёсий бирлик билан муштарак этиб, сиз Совет Иттифоқида жаҳон қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатдингиз, умидворманки, келажакда жаҳон ана шундай бўлади».

Доно, аммо мутлақо коммунистик эътиқодда бўлмаган олим тасвирлаб берган модел равшан, тиниқ кундалик реалликка айланиши учун, биз коммунистлар қўлимиздан келган барча ишларни қилишимиз керак.

**Н. ПОЛЯНСКАЯ**
**(ЎзТАГ мухбири).**

---

## СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МЕКСИКАДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

МЕХИКО, 3 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев бошчилигидаги Мексиканинг янги президенти Карлос Салинас де Гортарининг мазкур лавозимни эгаллашига бағишланган тадбирларда иштирок этаётган СССР делегацияси жума куни ушбу мамлакат ташқи ишлар министри Фернандо Солана Моралес билан учрашди.

Томонлар Совет — Мексика муносабатларининг аҳволи ва истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар. СССР билан Мексика узлуксиз ривожланиб бораётган анъанавий алоқаларни қўллаб-қувватлаётганликлари таъкидланди.

Ф. Солана Моралес Мексика давлати янги бошлиғи К. Салинас де Гортарининг халққа мурожаатномасидаги Мексика Совет Иттифоқи билан дўстлик муносабатларини ривожлантириш ниятидадир, деган қисмига эътиборни қаратди.

Ўша куниёқ Совет делегациясининг раҳбари Коста-Рика ташқи ишлар министри Родриго Мадригал Ньето ва Доминикана Республикасининг ташқи ишлар министри Хоакин Рикардо Гарсия билан учрашди.

П. Ҳабибуллаев ўз суҳбатдошларини СССРда содир бўлаётган қайта қуриш жараёни ва Совет Иттифоқининг сўнгги ташқи сиёсий ташаббуслари билан, Марказий Америкадаги кризисни бартараф этиш хусусидаги СССР позицияси билан таништирди. У АҚШ ҳанузгача ҳам мазкур регионга барча қурол-яроғларни етказиб беришни тўхтатиш тўғрисидаги Совет Иттифоқи таклифига жавоб бергани йўқ, деб таъкидлади.

Коста-Рика ташқи ишлар министри барча йўналишлар, шу жумладан, парламент йўли билан икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва иккала мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш муҳимлигини қайд этди.

Доминикана Республикаси ташқи ишлар министри ўз мамлакатидагилар СССРдаги ўзгаришлар жараёнини қойил қолиб, қизиқиш билан кузатиб турибдилар, Совет жамиятини демократиялаш йўлидаги тадбирларни юксак баҳоламоқдалар, деди. У Доминикана Республикаси Контадор группаси мамлакатлари ва мадад группаси куч-ғайратини қўллаб-қувватлаяпти, Марказий Америка муаммоларини, четдан аралашувсиз шу региондаги давлатларнинг ўзи ҳал этишини маъқулламоқда, деб уқтирди.

Учрашувларда СССРнинг Мексикадаги элчиси Р. А. Сергеев иштирок этди.

Кечқурун Совет делегацияси Мексика Президенти Карлос Салинас де Гортари чет эллик меҳмонлар ва дипломатик корпус шарафига ўтказган қабул маросимида иштирок этди.

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ МАЛАЙЗИЯДА

КУАЛА-ЛУМПУР, 3 декабрь. ТАСС мухбири Станислов Бичков хабар қилади: Малайзия Бош министри Маҳатхир Мохамаднинг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров бугун бу ерга беш кунлик расмий визит билан келди. Унга республика ташқи ишлар министри С. О. Азимов, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилмоқдалар. Малайзия пойтахти аэропортида Ўзбекистондан келган меҳмонни ёшлар ва спорт ишлари министри Нажиб Абдулраззоқ, Малайзиянинг бошқа расмий кишилари, СССРнинг Малайзиядаги элчиси А. И. Хмельницкий кутиб олдилар.

Совет Иттифоқидан келган меҳмон бу ерга келгач, берган баёнотида Совет Иттифоқида унинг визитини Совет — Малайзия муносабатларига «яна кўпроқ жўшқинлик, амалий тус бериш» имконияти, деб ҳисоблаётганликларини таъкидлади. «Ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилишдан биз манфаатдормиз». Ғ. Ҳ. Қодиров Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳада бевосита мулоқотларнинг истиқболлари тўғрисида гапириб, бундай деди: «Биз фақат анъанавий савдонигина эмас, шу билан бирга ҳамкорликнинг биргаликда иш олиб бориш, халқаро ва регионал лойиҳаларда биргаликда қатнашиш каби формаларини ҳам кўзда тутяпмиз». Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг фикрича, халқлар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнига муқарар тус бериш, янгича сиёсий тафаккурни халқаро муносабатлар практикасида қарор топтириш йўлларидан биридир.

Ғ. Ҳ. Қодировнинг Малайзияда бўлиш программасига Маҳатхир Мохамад, бошқа расмий кишилар билан, савдо-саноат палатаси, бир қанча фирмалар ва бирлашмалар вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш, Ўзбекистон амалий санъати кўргазмасини очиш, Пальма ёғи илмий-тадқиқот институтига ташриф буюриш, Малакка ва Пинанг шаҳарларининг саноат объектлари ва диққатга сазовор жойлари билан танишиш, миллий музейни кўздан кечириш киритилган. Визит давомида Ўзбекистон ССР билан Малайзия ўртасида ҳамжиҳатлик меморандуми имзоланиши кутилмоқда.

Визит Малайзия — Совет муносабатларини, Малайзия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшади. Совет Иттифоқидан келган меҳмоннинг баёнотида таърифлаб берилган истиқболлар амалга оширилиб, биргаликдаги куч-ғайратларнинг амалий самараларига айланиб қолиши мумкинлигига Малайзияда шубҳа қилмайдилар.

